



Taqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022
MART
№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
11-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-11**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-11**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

1. Ахмедов Жоҳон Қулдошович ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КУРАШ СПОРТИНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ.....	7
2. Tojiboyev Murodjon KURASH - O'ZBEK MILLATINING OR-NOMUSI	9



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КУРАШ СПОРТИНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ахмедов Жоҳон Қулдошович

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Самарқанд филиали ўқитувчиси

Телефон. +998945369650

Johon1976@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада ўқувчиларда миллий-ифтихор туйғусини шакллантиришда кураш спорти бўйича ўтказиладиган жимоний тарбия дарслари хамда дарсдан ташқари тадбирларнинг имкониятларидан фойдаланиш ўрганилган. Шунингдек, кураш спорти баркамол авлодни тарбиялашда асосий омиллардан бири сифатида кўриб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: баркамол авлод, ғуур, миллий-ифтихор туйғуси, шахс, кураш, спорт.

Бугунги ўзбек педагогикаси учун муайян билимлар йигинди эмас, балки бола шахси бош қадриятга айланган. Шунинг учун ҳам миллий педагогикада фақат билимли ўқувчилар тайёрлашга эмас, ўтилаётган дарслар орқали изланувчан, ташабускор шахсни шакллантиришга асосий эътибор берилмоқда.

Ҳар бир дарс қуидаги учта асосий мақсадга эришишга йўналтирилади: ўқитиши, тарбиялаш, ривожлантириши.

Ана шуларни хисобга олиб дарсга умумий талаблар дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи талабларда аниқ ифодаланади. Дидактик (ёки таълим)ий талабларга ҳар бир дарснинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни хисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш энг янги технологияларини киритиш, турли хилдаги шакли, методлари ва қўринишларидан мос равища фойдаланиш, дарс тузилишини шакллантиришга ижодий ёндошиш, жамоавий фаолият усуллари билан бирга ўқувчилар мустақил фаолиятларини турли шаклларидан бирга фойдаланиш, оператив қайта алоқани таъминлаш, амалий назорат ва бошқарувни амалга ошириш, илмий мўлжал ва дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш кабилар киради.

Дарсга тарбиявий талаблар ўқув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, дарсдаги фаолият, аниқ эришилиши мумкин бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш ва қўйиш, фақат ўқув ишлари мақсадлари ва мазмунидан табиий равища келиб чиқадиган тарбиявий масалаларни белгилаш, ўқувчиларни умуминсоний қадриятларга мос тарбиялаш, ҳаётий муҳим сифатлар (тиришқоқлик, тартиблилиқ, масъулиятилиқ, интизомлилик, мустақиллик, иш бажаришга қобилиятилиқ, эътиборлилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, миллий ифтихор туйғуси ва бошқалар)ни шакллантириш, ўқувчиларга дикқат-эътиборли муносабатда бўлиб, педагогик одоб талабларига амал қилиш, ўқувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлишдан иборат.

Кураш ватанимиз қудратини ошириш, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, умрни узайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш воситаларидан биридир. Шунинг учун курашни давр талаби даражасида ривожлантириш мақсадида умум таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани дастурига киритилган. Давлатимизнинг бевосита кўллаб-қувватлаши ва Ўзбекистон кураш Федерацияси томонидан курашни оммалаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида жаҳоннинг турли қитъаларида жойлашган хорижий давлатларда миллий кураш федератсиялари ташкил этилди.



1998-йил 6-сентабрда дунёнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федератсияларни бирлаштирган Кураш халқаро ассоциацияси таъсис этилди.

2010-йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017-йил 20-сентабрда бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида тарихда илк бор кураш спорт тури 2018-йилда Индонезияда ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига алоҳида спорт тури сифатида ҳамда 2022-йилда -Хитойда, 2026-йилда - Японияда ўтадиган ёзги Осиё ўйинлари дастурларига киритилди [1, 3].

Қадими қадриятларимиз, хусусан мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм фояларини ўзида мужассам этган миллий спортивизм бўлган кураш умумтъалим мактабларининг 5-11-синфларида ўқитилиди. (5-синфда 4 соат, 6-синфда 6 соат, 7-синфда 8 соат, 8-синфда 6 соат, 9-синфда 6 соат, 10-синфда 6 соат, 11-синфда 4 соат. Жами; 40 соат [2].

Кураш спорти воситасида ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш имкониятларига жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг қарашларини ўрганиш мақсадида, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали тингловчилари (ўқитувчилар) билан очик саволнома ўтказилди. Саволномада 68та респондент иштирок этди. Утказилган саволномада қуйидагича жавоблар олинди:

1. Жисмоний тарбия фани дастуридаги кураш соатларини кўпайтириш. (*40 соатдан 100 соатга*). 7та.

2. Курашни яхши ўзлаштириш учун умум таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани дастурига 1-синфидан киритиш. 5та.

3. Курашни фан сифатида умум таълим мактабларида ўқитиш. 6та.

4. Давлат байрамларида Кураш бўйича мусобақалар ташкил этишни ва ўтказишни янада оммалаштириш. 5та.

5. Кураш бўйича Осиё, жаҳон биринчиликларида фахрли ўринларни эгаллаган таникли ўзбек спортчилари билан учрашувлар ташкил этиш ва ўтказиш орқали ёшларни курашга қизиқишиларини ошириш. 6та.

6. Мактабларда маҳалла фуқаролар йигинлари билан келишган ҳолда “Маҳалламиз полвонлари” номли мусобақалар ташкил қилиш. 5та.

7. Маҳалла фуқаролар йигинлари билан келишган ҳолда уюшмаган ёшларга “Кураш миллий қадрятимиз” мавзусида семинар ташкил этиш. 7та.

8. Мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўқувчи ёшларга «Кураш миллий ғуруримиз», «Кураш миллат фахри» мавзуларида очик дарслар ўтказиш. 4та.

9. Мактабларда ҳар ойнинг бир кунини “Кураш хамма учун” шиори остида турли тадбирларни узлуксиз ўтказиб бориш. 4та.

10. Мактабда Кураш спорти турини ривожлантириш учун маҳаллий хомийларни жалб этиш. 6та.

11. Ўқувчи қизлар ўртасида «Кураш маликаси» мавзусида иншолар танлови ўтказиш. 7та.

12. Мактаб ўқувчиларини дарсдан ташқари Кураш машғулотларига қамраб олиш. 6та.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4881-сон.

2. Жисмоний тарбия фанидан 2021-2022-ўқув йили учун йиллик тақвим-мавзуу режалар. <http://idum.uz/uz/archives/15392>.

3. К. Юсупов. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент. “Фоур Ғулом” нашриёти. 2005й.



KURASH - O'ZBEK MILLATINING OR-NOMUSI

Tojiboyev Murodjon

Namangan viloyati To'raqo'rg'on tuman 1-IDUM oly toifali
Jismoniy tarbiya fan o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek kurashiga oid ma'lumotlar mavjud bo'lib, unda jismoniy tarbiya darslarida yoshlarni qo'rmas, botir, jasur, or-nomusli, mehr-muhabbat, yurt himoyasi uchun kurashdan toymaydigan fazilatlar egasi qilib tarbiyalash bosh maqsad deb belgilangan.

Kalit so'zlar: kurash, alp, Alpomish, Barchin, Pahlavon Mahmud, doston, Qo'ng'rot, biylar.

Kurash-sport turi. Belgilangan qoidaga muvofiq ikki sportchining yakkama-yakka olishuvi. Kurashish san'ati ko'p xalqlarda qadim zamonlardan buyon ma'lum. Ayniqsa, Yunonistonda keng tarqalib, qadimgi olimpiada musobaqalaridan doimiy o'rinn olib kelgan.

Milliy kurashning turli ko'rinishlari Gretsiya, Italiya, Yaponiya, Turkiya, Eron, Afg'oniston, Rossiya, O'zbekiston, Ozarbayjon, Qozog'iston va boshqa mamlakatlarda mavjud.

Ma'lumki, xalq dostonlarining ko'pchiligidagi qahramonlar o'rtasida bahs, sinov motivi yetakchilik qiladi va bu dostonning voqelar rivojiga katta ta'sir ko'rsatadi. Odatda, yozma adabiyotda kurashga tushayotgan polvonlar uchun sovrin tariqasida zot qo'yiladi. Xalq dostonlarida esa pahlavonlar o'zi uchun bellashayotgan raqiblardir.

“Alpomish” dostonida ham Hakimbek yori Barchin uchun barcha qalmoq alplariga qarshi kurashga otlangan bahodir. Yozma adabiyotda esa garovga ayol kishini qo'yib bahslashish sahnasini Luqmon Bo'rixonning “Quyosh hali botmagan” qissasida mahorat bilan ochib berilgan.

“Alpomish” dostonida Barchinning kurash tusha olishiga ishora bor. Bu uning kurash tushayotgan Alpomishga aytgan so'zlaridan ayon bo'ladi.

“O'n ming uyli Qo'ng'irotning qizlari bilan, Barchin kanizlari bilan tomosha qilib, bularning olishganini ko'rib, Hakimbekka qarab, bir so'z deb turgan ekan: ”Ochilar bahorda bog'larning guli, Gulni ko'rsa mast bo'b sayrar bulbul, Narmonda bo'libsiz biy bobom uli, Yiqolmasang bizga bering navbatdi. Juda keldi Barchin yoring g'ayrati. Ushlagandan ko'kka otmay ne bo'pti? Yiqolmasang to'ram, navbat tilayin, Erkak libosini o'zim kiyayin. Bor kuchimni bilagimga jiyayin. Bu qalmoqni pora-pora qilayin”.

O'zbek xalqi qahramonlar yurti, bahodirlar zamini. O'zbek ayollari ham mardonlikda ulardan aslo qolishmagan. Bundan ko'rindiki, kurash qadim-adim zamonlardan beri sportning eng ommalashgan turi bo'lib keladi.

O'zbeklar dunyo xalqlari orasida ko'p doston yaratgani bilan ajralib turadigan millatdir. Olimlar XIX asr oxiridan XX asrning ikkinchi yarmiga qadar o'zbek baxshilari tomonidan kuylangan yuz ellikka yaqin doston borligini aniqlashgan.

“Alpomish” dostonida xalqimizning azal-azaldan iymon-e'tiqod, or-nomus birligi yo'lida o'zini ayamasligi yorqin aks ettirilgan. Oybarchinning qalmoqlar orasida talashga qolmasligi, yurtdoshlarining begonalarga xor bo'lmasligi uchun jonini tikkan Alpomish timsoli yoshlarni mard, bir so'zli, vafodor bo'lishga chorlaydi. Bundan tashqari, dostonda o'zbek millatiga xos eng yuksak ma'naviy-axloqiy sifatlar, ayni chog'da, millatdoshlarimizdagi o'zligini anglash fazilatlari mujassam. Bu asar shunchaki bir asar emas, balki xalqimizning ma'naviy olami, ruhiyat dunyosini ko'rsatuvchi ko'zgudir. Shuning uchun ham 1999-yilda ushbu doston yaratilganining ming yilligi malakatimizda keng nishonlandi.

Kishilik jamiyatni paydo bo'lgandan buyon inson zoti o'zi kabi boshqa bir insonga bo'lgan tuyg'ularini turli nomlar bilan ataydi. Bularning ichida esa do'stlik, muhabbat, or, nomus, sadoqat, vafo kabi lari eng noziklaridir. Sababi bu tuyg'ular o'z ortidan sadoqat, yurt himoyasi, ishonch, hurmat kabi fazilatlarni ham ergashtirib yuradi. Adabiyot inson hissiyotlarini uyg'otsa, jaismoni tarbiya fani ana shu tuyg'ular asosida insonni mardlik, jasurlik, oriyatli va sog'lom bo'lshga undaydi.

Dostonlarda muhabbat insonlarni komillikkha yetkazuvchi asosiy tuyg'u hisoblanadi. Polvonlar ham muhabbat tuyg'usining chinakam shaydolari, sevgi, muhabbat hissiga polvon shaxsini kamol tiopтирувчи asosiy vosita sifatida qaraladi.



Zamonaviy sport kurashining asosiy qoidalari XVIII asr oxirlari XIX asr boshlarida Yevropaning bir necha mamlakatlarida ishlab chiqildi. 1912-yilda Xalqaro havaskorlar kurash federatsiyasi (FILA) tuzildi. Hozirda unga 144 mamlakat, O'zbekiston 1933-yildan a'zo. Xalqaro maydonda sport kurashining yunon rum kurashi, erkin kurash, dzyudo, sambo, va boshqa turlari mavjud.

Kurash insonni kuchli, epchil, chaqqon, chidamli v irodali qilib tarbiyalash vositalaridan biridir.

Shifokorlar nazorati ostida 12 yoshdan kurash bilan shug'ullanish mumkin.

Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Adabiyot darsligi. 9-sinf uchun. Toshkent, "O'zbekiston" nashriyoti. 7-bet.
2. Alisher Navoiy "Xamsa". 2019-yil. Toshkent.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma".
4. Mahmud Koshg'ariy "Devoni lug'otit turk" asari.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 11-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000